

**Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича  
НАМУНАВИЙ ШАРТНОМА №8**

Дўстлик шаҳри

2022 йил 18 апрель

Дўстлик туман тиббиёт бирлашмаси номидан низом асосида фаолият юритувчи Х.Абдураимов (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади) бир томондан ва "GULI ASALI» МЧЖ номидан Устав (буйруқ) асосида фаолият юритувчи директор У.Мансуров (Кейинги ўринларда аутсорсер деб аталади) иккинчи томондан кейинчалик Томонлар деб аталади, ушбу шартномани кўйидагилар тўғрисида туздилар.

**1. Шартнома предмети**

1.1. Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунга қадар ҳар куни Буюртмачини 3 маҳал пархез таомлар билан таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда, Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофиқ таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади, ўз зиммасига олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати:

2022 йил 18 апрелдан

2022 йил 31 декабргача

1.4. Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактура имзоланиб Буюртмачи Аутсорсернинг мазкур шартномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

**2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.**

2.1. Аутсорсер қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.1.1. Ижарага олинган мол мулкдан фойдаланиш;

2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмида техник жихатдан жихозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

2.1.3. Хизматлар таннархининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чиқиш;

2.1.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

2.1.5. Кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

2.1.7. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар;

2.2. Аутсорсер қуйидагиларга мажбур:

2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жихозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланишни, сақлашни, носоз ҳолга келганда уларни ўз ҳисобидан таъмирлашни, шунингдек коммунал харажатларни қоплашни;

2.2.2. Аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнгин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари, нормалари ҳамда гигиена нормативларига қатъий риоя этишни;

2.2.3. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;

2.2.4. Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши;

2.2.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишни таъминлаши;

2.2.6. Хизматларни сифатли, мақур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда кўрсатиши;

2.2.7. Хизматларни кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартига амал қилмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул тўғирлаши;

2.2.8. Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария қоидаларига жавоб бермаслиги аниқланганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қонуний талабини бажариши;

2.2.9. Малакали, тажрибали, қўйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (кўрикдан) ўтган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараёнига рухсат этиши;

2.2.10. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг ҳудудида одоб-ахлоқ қоидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя қилиш мажбуриятини юклаши;

2.2.11. Хизмат кўрсатиш бўйича шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;

2.2.12. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жихозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз ҳолда сақлаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши;

2.2.13. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш топшириш долалатномасини расмийлаштирган ҳолда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни қабул қилиш ва олиши;

2.2.14. Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини таъминлаши;

2.2.15. Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишни (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган ҳолларда);

2.2.16. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар;

2.2.17. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Товар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, кўрсатилиши)ни талаб қилиш;

2.3.2. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш;

2.3.4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар;

2.4. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

2.4.1. Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта Хизматлар ҳақини тўлаши;

2.4.2. Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вақтинча фойдаланишга бериши;

2.4.3. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар;

### **3. Хизматлар нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби**

3.1. Мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ хизматлар нархи 63 764 000 (олтмиш уч миллион етти юз олтмиш тўрт минг) сўмни ташкил этади.

3.2. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади.

3.3. Кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги сони ҳақидаги маълумотлар ва хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик буюртмага мувофиқ Аутсорсер билан биргаликда ҳар ўн кунда, тўланиши лозим бўлган суммаси кўрсатилган, Аутсорсер ва буюртмачи томонидан имзоланадиган бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси тузилади ва ҳисоб-фактура расмийлаштиради.

3.4 Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб, 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортиқ бўлмаган миқдорда тўланади.

3.5. Мазкур шартноманинг иловасида кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини ҳисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташаббуси билан қайта кўриб чиқилади.

### **4.Тарафларнинг жавобгарлиги**

4.1 Сотувчи молк-мулкни тўлиқ етказиб бермаганлиги учун Сотиб олувчига етказиб берилмаган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0.5 %и миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

4.2 Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонунчиликда ёки ҳўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, сотувчи (етказиб берувчи)дан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима сотувчи (етказиб берувчи)дан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.3 Тўлов талабномаси акцептини асосиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини

тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва хоказо) учун сотиб олувчи маҳсулотни сотувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) сотувчи (етказиб берувчи)га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.4 Неустойка (жарима, пеня) тўлаганлигидан қатъи назар, шартнома мажбуриятларини бузган тараф иккинчи тарафга ана шу зарар оқибатида ўзи етказган зарар қисмини ҳам қоплайди. Етказилган зарарларга шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги, мол-мулк йўқолиши ёки шикастланиши муносабати билан тараф қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлар, шунингдек агар иккинчи тараф шартнома мажбуриятларини бажарганида тараф олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлар киреди.

Муддатини ўтказиб юбориш ёки шартнома мажбуриятларини ўзгача тарзда лозим даражада бажармаслик ҳоллари учун белгиланган неустойкани (жаримани, пеняни) тўлаш ҳамда шартнома мажбуриятларини лозим даражада бажармаслик оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, тарафларни мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод этмайди.

4.5 Шартнома мажбуриятлари хўжалик юритувчи субъект мансабдор шахсининг айби билан бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган, унинг томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг пул маблағлари ва бошқа мол-мулки мақсадга номувофиқ фойдаланилганлиги аниқланган, тўлов интизоми бузилган, хўжалик юритувчи субъект банкротликка дучор қилинган ёки шартнома муносабатлари соҳасида бошқа қоидабузарликлар содир этилган тақдирда, хўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 45 ва 48-моддаларига мувофиқ фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 175, 1761, 1762, 212 ва 214-моддаларига мувофиқ маъмурий жавобгарликка, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 175, 181, 186, 205, 207 ва 209-моддаларига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

## 5. Коррупцияга қарши келишув

5.1 Шартнома бўйича ўз мажбуриятларинини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни улар, уларнинг ходимлари, аффилиланган шахслар, бенефициари ва шартномани амалга оширишдаги ҳамкорлари, пудратчилари томонидан бирбирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилишда, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чоратадбирлар қабул қилинишини қафолатлайди.

5.2 Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганида дархол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони (78 150 26 03) орқали бирбирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга оидинлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб

қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатини олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

5.3 Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавфхатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

5.4 Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилиш талаб қилган томонга етказилган зарарларни қоплаш қонунчиликда кўрсатилган тартибда амалга оширилади, ушбу бобнинг мажбуриятларини бузган томон эса шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши оқибатида кўрилган зарарлар қоплашни талаб қилишига ҳақли эмас.

## **6. Мунозарали вазиятларни ҳал этиш тартиби**

6.1 Мазкур шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

6.2. Низолар ва келишмовчиликларни томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиб бўлмайдиган ҳолатларда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф қилиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун берилади.

## **7. Форс-мажор ҳолатлар**

7.1. Томонлар мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, угар бундай ҳолат енгиб бўлмас куч, яъни тибий офатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда ҳолатлар ва алоҳида давр оқибати ҳисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ходисалар рўй берган муддатда сурилади.

## **8. Яқинловчи қондалар**

8.1. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар Дўстлик туман юридик хизмат кўрсатиш марказидан тақдим этилган лойиҳага ижобий ҳулосаси олингандан кейин ёзма (электрон) шаклда расмийлаштирилиб, томонларнинг вақолатли вакиллари томондан имзолангандан сўнг, агарда молиявий маблағлар билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилса тегишли Ғазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисмини ташкил этади.



8.2. Томонларнинг ҳеч бири мазкур шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

8.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси бўлади.

## **9. Шартноманинг амал қилиш муддати.**

9.1 Ушбу шартнома Дўстлик туман юридик хизмат кўрсатиш марказидан тақдим этилган шартнома лойиҳасига ижобий хулоса олиниб, тарафлар томонидан имзоланиб, тегишли Ҳазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар ёки муддатидан олдин бекор қилингунига қадар амал қилади.

### 10. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари

<p><b>«Аутсорсер»</b> <b>"GULI ASALI" МЧЖ</b> Манзили: Дўстлик тумани, Дўстлик шаҳри, А.Навоий МФЙ, Дўстлик кўчаси, 13 уй, 11-хонадон ИНН: 306015459. МФО: 00138 Банк: АТБ Савдогар банк Дўстлик филиали х/р:20208000605104672001.</p> <p> Директор  У.Мансуров</p>	<p><b>«Буюртмачи»</b> Дўстлик туман тиббиёт бирлашмаси Дўстлик тумани, Ғ.Ғулом МФЙ, Ибн Сино кўчаси, 1-уй ИНН: 200999279. ОКОНХ: 91511 Ш/хв: 100022860082157073101054001 Дўстлик тумани буйича Ҳазначилик бўлинмаси ИНН:201122919. МФО: 00014 Марказий Банк Тошкент шаҳри х/р:23402000300100001010</p> <p>Бош врач <span style="float: right;">Х.Абдураимов</span></p>
---	--



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY  
XULOSA  
№1798**

1. Loyihaning turi: Outsorsing shartlari asosida xizmat ko'rsatish shartnomasi.

2. Loyihaning mazmuni: Do'stlik tuman tibbiyot birlashmasi "Buyurtmachi" va "Guli asali" MCHJ "Autsorser" o'rtasida Do'stlik tuman tibbiyot birlashmasi "Buyurtmachi"ni "Guli asali" MCHJ "Autsorser" tomonidan 30 kun muddat uchun 63 764 000 (oltmish uch million yetti yuz oltmish to'rt ming) so'mlik parhez taomlar bilan ta'minlash to'g'risida 8-sonli outsorsing shartnomasini tuzish to'g'risida.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot- Do'stlik tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan 2022-yil 18-aprel kuni tizimga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Markaz bosh yuriskonsulti**  
2022-yil «18»-aprel



**O.Zaydbekov**



«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
Дўстлик туман тиббиёт  
бирлашмаси бошлиги  
Х.Абдураимов  
18 апрель 2022 йил.

Дўстлик туман тиббиёт бирлашмаси бюджет маблағлари ҳисобидан Дўстлик туман тиббиёт бирлашмасида даволанаётган беморларга тайёр пархез таомлар билан таъминлаш яъни аутсорсинг хизмати курсатиш учун танлов ўтказиш комиссиясининг

### ЙИГИЛИШ БАЁННОМАСИ № 8

2022 йил 18 апрель

Дўстлик тумани.

#### Кун тартиби:

Ахборот парталига жойлаштирилган элон тўғрисида маълумот

1. Элон берилган сана: 08.04.2022 йил
2. Берилган элон тартиб рақами: 22110012064611
3. Буюртма предмети: Дўстлик ТТБ да даволанаётган беморларга тайёр пархез таомлар етказиб бериш яъни аутсорсинг хизмати курсатиш.
4. Ўлчов бирлиги: хизмат
5. Бирлик нархи: сум
6. Берилган миқдори: 1
7. Элон берилиш нархи: 63 864 000

Дўстлик ТТБ да даволанаётган беморларга тайёр пархез таомлар етказиб бериш яъни аутсорсинг хизмати курсатиш

Дўстлик ТТБ да даволанаётган беморларга тайёр пархез таомлар етказиб бериш яъни аутсорсинг хизмати курсатиш бўйича 2 кун мобайнида комиссия аъзоларига ва Дўстлик туман тиббиёт бирлашмасига ҳеч қандай етирозлар келиб тушмади. “GULI ASALI” МЧЖ томонидан Дўстлик туман тиббиёт бирлашмасида даволанаётган беморларга тайёр пархез таомлар етказиб бериш яъни аутсорсинг хизмати бўйича тақдим этилган таклифи энг маъқул ва мақсадга мувофиқ деб топилиган ва бу талабгор танлов голиби деб топилган.

Х.Абдураимов

Ш.Худойбердиев

Д.Шамсиев

А.Бердимуродов

Д.Тошпулатов